

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМУРОВА ДИЛФУЗА ИСЛОМОВНА

**ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИНИ КОМПЬЮТЕР ВА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (чизмачилик)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Мамурова Дилфуза Исломовна

Чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан
фойдаланиб ўқитиш жараёнини такомиллаштириш методикаси..... 3

Мамурова Дилфуза Исломовна

Методы совершенствования процесса обучения черчению с
использованием компьютерных и информационных технологий..... 21

Mamurova Dilfuza Islomovna

Methods for improving the process of teaching drawing using computer and
information technologies..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМУРОВА ДИЛФУЗА ИСЛОМОВНА

**ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИНИ КОМПЬЮТЕР ВА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (чизмачилик)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped972 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.csri.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Ширинбой Шарофович

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич

педагогика фанлари доктори, профессор

Камолов Ифтихор Бахтиерович.

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор

Етакчи ташкилот:

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712- 45-41).

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги рақамли реестр баённомаси).

Ж.Э.Усаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д.(DSc), доцент

Д.Н.Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д.(DSc), доцент

Р.А.Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълимнинг асосий мақсади – замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб боради, мантикий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабинигина ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керакдир.

Дунё мамлакатларидан Франция, АҚШ ва Япония каби бир қатор хорижий давлатларда таълимда янги ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланган. Машҳур тадқиқотчилар ва амалий ишлаб чиқувчилар С.Паперт (Массачусетс технология институти, АҚШ), Ж.Уҳл (Иллинойс университети, АҚШ), Ж.-М.Лаборде (Фурье университети, Гренобль, Франция), Ж.Кинг (Вашингтон университети, АҚШ), М. Серра (Сан-Франциско, АҚШ) математика ва геометрия бўйича машҳур китоблар ва дарсликлар муаллифларидир. Уларнинг ўқитиш усуллари бутунлай компьютердан ижодий восита сифатида фойдаланиб “геометрияни ёритиш”га асосланган. Ўқув лойиҳаси доирасида илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи талабалар нафақат ўз билим ва амалий кўникмаларини чуқурлаштирадilar, мустақил билим олишга ўрганадилар.

Республикамизда олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълим сифатини кескин ошириш, рақобатбардош олий маълумотли педагог кадрларни тайёрлаш, олий таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, талабаларнинг аниқ фанларни ўзлаштириши мақсадида ўқув жараёнини компьютерлаштириш, ахборот технологиялар қўллаш имкониятини кенгайтириш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4851-сонли қарорига мувофиқ ўқитиш ва билимларни баҳолашнинг замонавий услубларини жорий қилиш, шу жумладан, рақамли ўқув воситалари ва масофавий таълим шаклини кенг қўллаш, шунингдек, таълим жараёнини умумий касб маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган фанлараро модуллардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнида илмий ишлар натижаларидан самарали фойдаланиш учун шароитлар яратади. Бу борада бир қанча амалий дастурлар борки, улардан бири бу ҳозирги кунда AutoCAD дастури алоҳида ўрин тутади. Ушбу дастурдан фойдаланиб ўқитишдан асосий мақсад – талабаларга чизмачилик фанидан ўқитиладиган барча мавзуларни тушунарли ва осон етказишдан иборатдир. Мазкур дастурда бажариладиган барча турдаги график ахборотларни, чизма, диаграмма ва схемалар каби тасвирларни икки ўлчамда ёки уч ўлчамда компьютер ёрдамида бажариш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий

таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги ПФ-5349-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонларини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чизмачилик фанининг фундаментал асослари ва ўқитиш методикаси ҳамда умумпедагогик ва умумметодик муаммолари хусусида Ю.Қирғизбоев, М.Очилов, А.Акбаров, Ж.Йўлдошев, М.Миртурсунова, А.Ғуломов, Ш.Муродов, Ж.Ёдгоров, Р.Исматуллаев, Д.Қўчқорова, И.Раҳмонов, А.Умронхўжаев, Э.Рўзиев, П.Одилов, Н.Ядгаровлар тадқиқотлар олиб бориб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Кадрлар тайёрлаш тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, бўлажак ўқитувчиларни методик тайёрлаш, таълим жараёнини ташкил қилиш муаммолари бўйича А.Абдуқодиров, У.Бегимқулов, И.Бойназаров, Ф.Закирова, М.Файзиева, Т.Шоймардонов, А.Ҳайитов, А.К.Ҳамроқулов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, муайян даражада ўз ечимини топа олган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлик олимлари А.К.Аиламазян., Б.С.Гершунский, В.А.Далингер, А.П.Ершова, Л.Г.Кузнецова Т.С.Северова, О.П.Одинцова, Р.И.Уразғалиева ва В.И.Соляткиналар ҳамда хорижий давлатларда W.N.Chambers, E.L.Cowen. U.Mangal, E.Jonson, J.M.Spektor ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида таълимда электрон таълимни ривожлантириш, таълимни ахборотлаштириш ва қўллаш имкониятлари жорий этилган.

ОТМларда чизмачилик фанини ўқитишда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштириш илмий-тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот режасининг Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилиши 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф4-02“Математик

физиканинг ҳолатлар тўплами чексиз бўлган моделлари термодинамикаси” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади:

Чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўқитиш жараёнини такомиллаштириш методикасини ишлаб чиқиш ва илмий-методик тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОТМларда чизмачилик фанида компьютер график дастурларни татбиқ қилиш имкониятларини назарий ва амалий жиҳатдан аниқлаш ҳамда фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш;

дастурий-педагогик воситаларини илмий-педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, ўқитиш жараёнида самарали бўлган дастурларни танлаш ва илмий-методик асослаш;

чизмачилик фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиб веб сайт яратиш орқали ўқитиш методикасини такомиллаштириш, AutoCAD дастурий воситаси асосида интерактив машқлар тўпламини интенсив лойиҳалаш, виртуал лаборатория практикумлар бўйича масофавий таълим технологияларига асосланган лойиҳани такомиллаштириш;

чизмачилик фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнини такомиллаштиришда электрон таълим ресурслари ҳамда ўқув материалларини яратиш ва таълим жараёнига тадбиқ этишнинг шакл, метод ва воситаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба синов ишларига Бухоро, Самарқанд ва Қарши давлат университетларидан жами 331 нафар респондент жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини чизмачилик фанида компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнини такомиллаштириш мазмуни, шакл, восита, методлари ва технологияси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, аналитик обзор, анализ ва синтез, суҳбат, сўровнома, мониторинг, тажриба-синов, тест ҳамда математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнининг ахборот-изланишли, ўқув-коммуникатив, иллюстратив-демонстрацион, консултатив компонентлари ўқув жараёнини блок-модулли кўринишда лойиҳалашнинг адаптация, индивидуаллаштириш, визуализация, интерактивлик тамойилларининг дидактоген хусусиятларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнларининг ўзига хосликлари чизма маҳсулотини яратишда 3D технологияларга асосланган КОМПАС 3D, AutoCAD, 3dMax дастурий тизимларни инфографика, растрли, векторли, фракталли графиклар каби чизма-тасвирий моделлар билан адаптив уйғунлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёни моделининг технологик компоненти AutoCAD дастурий воситаси асосида интерактив машқлар тўпламини интенсив лойиҳалаш, виртуал лаборатория практикумлар бўйича масофавий таълим технологияларига асосланган талабаларнинг мустақил ишларини ахборот майдонини лойиҳалаш орқали такомиллаштирилган;

чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнининг методик таъминоти электрон кутубхона, виртуал лабораториялар каби электрон таълим ресурсларидан иборат махсус ташкил этилган очиқ ахборот-таълимий муҳитни яратиш бўйича талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида таълим жараёнидаги график дастурларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланган;

чизмачилик фанини ўқитиш жараёнида график дастурлардан фойдаланиб, амалий машғулотларда ва мустақил ишларни бажариш учун видео дарслар ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасаларидан таълим олувчи тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши талабалари учун “Чизмачилик” (машинасозлик чизмачилик) (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4октябрдаги 892-сонли буйруғи) номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган ҳамда ўқув жараёнига татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияси асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналлар рўйхатидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқот натижаларини Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнида синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модел, методика ва дастурлар олий таълим муассасаларида чизмачилик фанини ўқитишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари ўқитувчи ва талабаларининг чизмачилик фанига доир билим, кўникма ва малака ҳамда қобилиятларини шакллантиришнинг илмий методик тавсиялардан ўқув қўлланма, методик қўлланма яратишда, маърузалар ўқишда, амалий машғулотларини ўтказишда фойдаланиш самарадорлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнининг ахборот-изланишли, ўқув-коммуникатив, иллюстратив-демонстрацион, консультатив компонентларини ўқув жараёнини блок-модулли кўринишда лойиҳалашнинг адаптация, индивидуаллаштириш, визуализация,

интерактивлик тамойилларининг дидактоген хусусиятларига устуворлик бериш асосида аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан касбий таълим йўналишлари учун “Чизмачилик” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон буйруғи). Натижада, компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб чизмачилик фанини ўқитиш мазмуни такомиллаштирилган;

чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнларининг ўзига хосликларининг чизма маҳсулотини яратишда 3D технологияларга асосланган КОМПАС 3D, AutoCAD, 3ds Max дастурий тизимларни инфографика, растрли, векторли, фракталли графиклар каби чизматасвирий моделлар билан адаптив уйғунлигини таъминлаш орқали аниқлаштириш, мазкур жараённи амалга ошириш моделининг технологик компонентини AutoCAD дастурий воситаси асосида интерактив машқлар тўпламини интенсив лойиҳалаш, виртуал лаборатория практикумлар бўйича масофавий таълим технологияларига асосланган ўқувчиларнинг мустақил ишларини ахборот майдонини лойиҳалаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялар асосида Chizmachilik.uz сайти яратилган ҳамда YouTubeда махсус видеодарслар жойлаштирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2790-сон маълумотномаси). Натижада, чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнларини дидактик лойиҳалаш самарадорлигини оширишга эришилган;

чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнининг методик таъминотини электрон кутубхона, виртуал лабораториялар каби электрон таълим ресурсларидан иборат махсус ташкил этилган очиқ ахборот-таълимий муҳитни яратиш бўйича талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан касбий таълим йўналишлари учун “Чизмачилик” номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сон буйруғи). Натижада, талабаларнинг ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишга доир компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация тадқиқотининг асосий ғоя ва натижалари бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрлардан 14 та мақола, шундан 6 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар учун давлат интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси (DGU 10197) ва 1 та патент (SAP 02020) олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 8 та параграф, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш педагогик муаммо сифатида таҳлил этилиб, веб-сайт орқали чизмачилик фанини интеграциялаш асосида ўқитиш технологиялари ҳамда ахборот технологиялар асосида чизмачилик фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш йўллари баён қилинган.

Баркамол шахс ва етук мутахассисларни тарбиялаш ва таълим тизимининг тубдан янги асосларда ташкил этиш лозим. Бу борада эса кўп вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши ҳар томонлама педагогик маҳоратли, комил инсонларни тарбиялашга қаратилмоқда. Бундай инсонлар ўз фаолиятида бевосита дарс жараёнида инновацион, мотивацион, ахборот ва компьютер технологияларни дадиллик билан жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун барча соҳалари каби чизмачилик фанини ўқитишда ҳам компьютер технологияларидан фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Чизмачилик фанини компьютер технологиялари асосида ўқитиш, талабаларда қуйидаги имкониятларни яратади:

талабаларнинг фазовий тасавурларини кенгайтиради. Мавзуларни компьютер технологияси асосида тушунтирилганда текисликнинг фазовий кўринишлари, проекциялари ва яққол тасвирининг айлантриб ёки тасвир атрофида айлантриб кўриш мумкин бўлади;

мультимедиа воситасида тақдим этилган мавзулар матни, амалий машғулотлар учун электрон услубий кўрсатмалари талабаларнинг фанини ўрганишлари учун жуда ҳам қулай ҳисобланади;

динамик тасвирлар, рангли масаланинг берилишида, масаланинг ечилишида, унинг ечимига мос бўлиши талабаларнинг ишнинг бажариш тартибини тезда ўзлаштириб олишларини осонлаштиради;

фаннинг назарий қисмини ўрганишда кўргазмали воситалар (рангли тасвирлар, уларнинг фазовий кўринишлари, динамик ҳаракатлар) ёрдамида тушунтирилади;

назариянинг берилиш кетма-кетлиги талабаларнинг тушунишини осонлаштиради;

чизманинг бажарилиш кетма-кетлиги қадамма-қадам кўрсатилиши ва ўзига берилган топшириқни компьютерда бажариши талабаларнинг мустақил ишлашларига олиб келади.

Ҳозирги вақтда чизмачилик фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, педагогик муаммо сифатида усуллар ва воситаларни жорий этишга мажбур қилмоқда. XXI аср техника ва технология асри бўлиб, чизмачиликни компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланмай ўқитишни тасаввур қилиш қийин.

Г.Н. Никитина талабаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириш учун бир қатор методик усулларни аниқлайди, улар орасида компьютер ўқитиш технологиялари энг самарали ҳисобланади, деб таъкидлайди. Бу яхлит геометрик тасвирни яратиш; геометрик усулда фаол ишлашга қулай вазиятларни яратиш; янги геометрик лойиҳаларни ижод қилишдан ибратдир.

Ўқитишда компьютерларнинг аҳамияти кўплаб ўқитувчилар, психологлар ва услубшунослар томонидан ўрганилган. Компьютер технологиясидан ўқитишда фойдаланишнинг услубий жиҳатлари А.К.Айламазян, Б.С.Гершунский, В.А.Далингер, А.П.Ершова, Л.Г.Кузнецова ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган.

Таълимда компьютер технологияларидан фойдаланиш муаммолари билан Ш.А.Ташходжаев, А.Ф.Ҳайитов, К.А.Зойиров ва бошқалар шуғулланишган. Юқорида келтирилган муаллифларнинг тадқиқот ишларини ўрганиш шуни кўрсатадики, таълим жараёнида компьютер технологияларидан фойдаланишга асосланган замонавий ўқитиш услублари етарли даражада ўрганилмаган. Шунингдек, чизмачилик фанини ўрганишда компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб дарс самарадорлигини ошириш ҳамда ўқитиш жараёнини такомиллаштириш педагогик муаммо сифатида қолмоқда.

Чизмачилик фанини ўқув жараёнида ахборот–коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш замонавий таълимнинг долзарб муаммосидир. Бугунги кунда ҳар қандай таълим муассасаси интизоми бўйича ўқитувчи АКТдан фойдаланган ҳолда дарс тайёрлаш ва ўқитиш имкониятига эга бўлиши керак. АКТдан фойдаланган ҳолда дарс визуал, ранг-баранг, маълумотли, интерактив бўлиб, ўқитувчи ва талабанинг вақтини тежайди, талабага ўз тезлигида ишлашга имкон беради, ўқитувчига талаба билан ҳар хил ва индивидуал равишда ишлашга имкон беради, ўқув натижаларини тезкор равишда кузатиб бориш ва баҳолаш имкониятини яратади.

Маълумки, чизмачилик фанини ахборот технологиялардан бири интернет саҳифаси орқали ҳамда кўргазмали тасвирлар, график тасвирлар ва моделларни бажариш орқали талабалар диққатини жалб қилган ҳолда муваффақиятли ўзлаштириш мумкин. Интернет саҳифа деганда, биз албатта, сайтлар кўз


олдимизга келади. Web-сайт сўзини ҳар куни бир неча марта эшитамиз. Интернет манзил эканлигини биламиз, аммо web-сайт тушунчаси, унинг асл моҳияти, нима учун кераклиги, нега бу қадар оммалашиб бораётганлиги ва балки ўзимиз ҳам сайтимизга эга бўлишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Шундай экан, талабалар ва ўқитувчи орқали қидирувда калит сўзи чизмачиликни киритиб, сайтни топишади, назарий ва амалий маълумотлар, фанга оид тестлар, видео дарслар билан танишади. Сайт орқали ўзаро ахборот алмашинув воситаси сифатида ҳам хизмат қилади. Агар топшириқлар, вазифалар ва бошқа маълумотлар сайтга жойлаштирилса, талабалар ва ўқитувчилар керакли маълумотларни дунёнинг исталган нуқтасидан интернет орқали олишлари мумкин бўлади. Талабаларнинг чизмачилик фанини мустақил ва қўшимча ўрганиш тариқасида chizmachilik.uz интернет сайти яратилди.

Чизмачилик фани ҳақида батафсил маълумотларни тақдим этиш – web сайтдаги чизмачилик фанининг мавзуларига оид назарий маълумотлар, тақдимотлар, тест саволлари, мультимедиалар орқали талабалар батафсил маълумотларни олиши мумкин. Сайт ахборот-изланишли, ўқув-коммуникатив, консултатив компонентлари ўқув жараёнини блок-модулли кўринишда лойиҳаланган.

Сайт талабаларнинг хоҳлаган бўш вақтида кириб ўрганишига мўлжалланган. Талабаларни жалб қилиш – web-сайтда талабаларнинг фанга қизиқишини ошириш мақсадида маълумотлар нафақат назарий, балки мультимедиалар тарзида ҳам жойлаштирилган. Бунинг натижасида талабада адаптация, визуализация ва интерактивлик ҳосил бўлади. Чизмаларни чизиш тартиби ва босқичи билан мультимедиани кўриб бажаради ва сайтга жойлаштиради. Талаба бажарган чизмаларини сайтга жойлатириши ва уларнинг бажарган чизмаларини текшириш ҳам мумкинлиги инобатга олинган. Ҳаттоки талабалар ўртасида танловлар ташкил қилиш ҳам мумкин. Сайт бу масофавий технология учун қулай бўлиб, яратиш натижасида электрон кутубхона, интерактив машқлар тўпламини интенсив лойиҳалаш, виртуал лаборатория практикумларидан иборатдир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг методик имкониятлари”** деб номланган бўлиб, унда чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш мазмуни, чизмачилик фанини ўқитишда график дастурлардан фойдаланиш модели, график дастурлар асосида чизмачилик фанини ўқитишнинг инновацион методик таъминоти баён этилган.

Бугунги кунда янги ахборот технологиялар жадал равишда ривожланаётган даврда компьютер график дастурлар ва инновацион технологиялар жадаллашиб ривожланиб бормоқда. Таълим бериш жараёнида дарс самарадорлигини оширишда компьютер технологияларидан кенг фойдаланиб ўқитишда билим, кўникма ва малака ҳамда маҳоратга эга бўлишда муҳим роль ўйнайди. Чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш талабаларни фанга бўлган қизиқишларини орттиради, билим савиясини оширади.



1-расм. Чизмачилик фанини компьютар ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнини такомиллаштириш модели

Чизмачилик фанини ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, таълим тизимига янги педагогик технологияларнинг ижобий тажрибаларини жалб қилиш ва улардан амалда фойдаланиш таълим соҳасидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

"Чизмачилик" курсини ўрганишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш комплекс ёндашишга асосланган. Интеграциялашган ёндашув бир бутунликни ифодаловчи ҳодисалар гуруҳлари тўплами сифатида кўриб чиқилади. Бугунги кунда ҳал қилиниши керак бўлган асосий масала – бу олий ўқув юртлирининг барча асосий функцияларини бир-бирига боғлайдиган ва касбий фаолиятни такомиллаштириш ёндашувларини белгилайдиган ахборот технологияларини ўқитиш учун қўллашнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги. Шу муносабат билан таълим жараёнларини, жумладан, ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги шакллари яратиш ва ўқитишнинг принципиал янги воситалари ва технологияларидан фойдаланишни кўриб чиқиш зарур.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, олий таълим муассасаларида чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш жараёнини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Янги ахборот-коммуникация технологияси у амалга ошириладиган муҳит ва таркибига кирадиган таркибий қисмлар билан тавсифланади:

техник муҳит (асосий муаммоларни ҳал қилиш учун ишлатиладиган ускуналар тури);

дастурий таъминот муҳити (амалга ошириш учун дастурий воситалар тўплами);

предмет муҳити (фан, техника, билимларнинг аниқ предмет соҳасининг мазмуни);

услубий муҳит (кўрсатмалар, фойдаланиш тартиби, иш фаолиятини баҳолаш ва бошқалар).

3ds Max турли кўринишдаги ва мураккабликдаги компьютер уч ўлчамли моделларни, атроф-муҳитдаги реал ёки фантастик объектларни яратиш учун барча зарурий воситаларига эга. Ишни бажаришда дастур турли хил усул ва услубларни қўллайди, жумладан:

лойиҳалаш, таркибига Editable mesh (юзани таҳрирлаш) ва Editable poly (полигон таҳрирлайди) кирди. Бу энг кенг тарқалган моделлаштириш усули бўлиб, мураккаб моделлар ва ўйинлар учун маълум моделлар яратиш учун ишлатилади;

ўрнатилган стандарт кутубхона ва модификаторларни қўллаш орқали моделлаштириш;

сплайнлар асосида Extrude, Lathe, Bevel, Profile модификаторларини қўллаш орқали моделлаштириш ёки Лофт объектлари сплайнлари асосида яратиш. Бу метод биноларни моделлаштиришда ишлатилади.

Моделлаштириш методлари ўзаро боғлиқ ҳолда ишлатилиши мумкин.

КОМРАS 3D да маҳсулотларни моделлаштириш ҳам “пастдан юқорига” (тайёр компонентлардан фойдаланган ҳолда), ҳам “юқоридан пастга” (структура таркибидаги таркибий қисмларни лойиҳалаштириш) тарзида ёки аралаш усулда амалга оширилиши мумкин (масалан, кинематик диаграмма). Ушбу ёндашув туфайли пайдо бўлган моделларни осон ўзгартириш мумкин.

Ушбу чизма дастури электрон схемаларни қуриш билан тезда курашишга ёрдам беради ва Россия SAPR стандартларига мувофиқ лойиҳаларни яратишни

кўллаб-қувватлайди. Функционалликни плагинлар ёрдамида кенгайтириш мумкин, ammo уларни алоҳида сотиб олиш керак. Умуман олганда, бу ҳатто 3D моделлаштириш каби замонавий воситаларни тақдим этадиган ажойиб вариантдир.

Чизмачилик фанини ўқитишда AutoCAD дастурининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Autodeskдан AutoCAD янги бошланувчилар учун энг яхши дастурлардан бири ҳисобланади, чунки у барча даражадаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган “тоза” ва интуитив интерфейсга эга. Дастур сизга икки ўлчовли эскизлар чизиш ва 3D ҳажмли объект ясашга имкон беради. Лойиҳаларни булутли хотирага юклаш ва кейин таҳрирлаш учун яна юклаш мумкин. Бу компьютердаги юкни камайтиришга ва қаттиқ дискни тозалашга ёрдам беради. Бундан ташқари, лицензияни сотиб олаётганда, дастурда интернетда ишлаш мумкин бўлади, бунинг натижасида сиз исталган қурилмадан чизмалар яратишингиз мумкин. Дастурий тизимларни инфографика, растрли, векторли, фракталли графиклар каби чизма-тасвирий моделлар билан адаптив уйғунлигини таъминлаш натижасида график дастурлар ўрганилди.

AutoCAD дастурда расм чизиш воситалари катта танловга эга ва тайёр макетлар дарҳол 3D-принтерга чиқарилиши мумкин. Ишни тугатгандан сўнг, натижани ижтимоий тармоқларга экспорт қилиш мумкин. Натижада, пайдо бўлган тартибни тасдиқлаш учун электрон почта орқали юбориш мумкин.

Дарс жараёни AutoCAD дастуридан фойдаланиш натижасида иллюстратив-демонстрацион, индивидуаллаштириш, визуализация, интерактивлик каби дидактоген хусусиятларига устуворлик беради.

Диссертациянинг **“Чизмачилик фанини компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг тажриба-синов ишларини ташкил қилиш методикаси”** номли учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган.

Тадқиқот даврида олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг чизмачилик фанини ўрганишда ахборот технологиялардан фойдаланиш жараёнининг назарий асосларига таянган ҳолда тажриба-синов ишларининг ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Педагогик тажриба-синов ишлари, яъни чизмачилик фанини ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштириш муаммоси бўйича тадқиқотимизда назарда тутилган тажриба-синов ишлари уч босқичда 2018-2021 йиллар мобайнида ўтказилди.

Биринчи асословчи босқич – бу муаммони ўрганиш босқичи (2018-2019 йиллар)да қайд этиб ўтилганидек тадқиқот мақсади, мазмуни, вазифалари ишлаб чиқилди;

тадқиқот муаммосининг илмий-назарий ва илмий–услубий асослари ўрганилди;

тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланди;

тадқиқот объекти ва унинг кўрсаткичлари ҳамда унга мос мезонлар назарий манбалардан таҳлил қилиниб ўрганилди;

Олий таълим муассасаларда чизмачилик фанини ўқитишда график дастуридан фойдаланиш зарурияти илмий-назарий жиҳатдан аниқланди, ишчи фаразлар шакллантирилди.

Иккинчи босқич – бу муаммонинг ечимларини излаш. Танлаб олинган олий таълим муассасаларида “Чизмачилик” фанини ишчи дастурлари таҳлил қилинди ва такомиллашган мазмуни ишлаб чиқилди.

Чизмачилик фанини ўқитиш жараёнини такомиллаштирувчи ўқув материаллар, амалий машғулотлар ва унда бажариладиган график ишларни бажариш бўйича кўрсатма ва видеодарслар графикавий дастурда ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг ишчи фарази, мақсад ва вазифалари амалга оширилди.

Учинчи босқич – экспериментни ўтказиш босқичи. “Чизмачилик” фанини ўқитишда ўқув жараёнига мос графикавий дастур (AutoCAD)дан фойдаланиб амалий машғулотда бажариладиган график ишларининг бажариш тартиби видеодарс сифатида олинди, ҳамда chizmachilik.uz сайти яратилиб, ундан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди.

Учинчи босқич қуйидаги тартибда амалга оширилди.

1. “Чизмачилик” фанини ўқитишда графикавий дастур (AutoCAD)дан фойдаланиш имконияти тингловчилар ўртасида сўровнома ўтказиш орқали баҳоланди.

2. Ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги, ишлаб чиқилган методик асослаш бўйича педагогик тажриба-синов ишлари ўтказилди.

3. “Чизмачилик” фанини ўқитишда ахборот технологиядан фойдаланиш имконияти тингловчилар ўртасида сўровнома ўтказиш орқали баҳоланди.

4. Дарс самарадорлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган методикани синовдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларида “Чизмачилик” фанини ўқув жараёнига ахборот технология асосида ўқитиш бўйича натижалар умумлаштирилди, хулосалар амалий жиҳатдан текшириб кўрилди, олинган натижалар математик-статистика метод воситасида таҳлил қилинди.

“Чизмачилик” фани машғулотлари бўйича талабаларни ўзлаштириш кўрсаткичларида қандай акс этганлигини аниқлаш мақсадида талабалар ўртасида тажриба-синов ўтказилди.

Тажриба-синов гуруҳларида машғулотлар ахборот технология ёрдамида, назорат гуруҳларида эса анъанавий методика билан олиб борилди. Олий таълим муассасаларида “Чизмачилик” фанини ўқитишда ахборот технологиялари асосида такомиллаштириш мақсадида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишлари Бухоро, Қарши ва Самарқанд давлат университетларида 2018-2019, 2019-2020, 2020-2021 ўқув йиллар мобайнида амалга оширилди.

“Чизмачилик” фанини ўзлаштиришда дуч келинадиган муаммолар ва чизмачиликка оид билимлари қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида графикавий дастур мазмуни билан боғлиқ анкета саволлари тузилиб, талабалардан жавоблар олинди.

Илмий тадқиқот ишнинг натижалари бўлган, дастурий-педагогик воситаларини ўқув жараёнига татбиғи Бухоро, Самарқанд ва Қарши давлат университетларида амалга оширилди. Тажриба-синов ва назоратдаги гуруҳларни танлаш улардаги талабаларнинг “Чизмачилик” фанини ўзлаштиришидаги муаммолар аниқланди ва ўқитувчиларнинг фанни ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланиш методикаси ўрганилди. Бунинг учун Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши талабалари танланди.

Талабаларнинг чизмачилик фанини ўзлаштиришда ва ўқитиш методикасини такомиллаштиришда нафақат компьютер графикавий дастурлардан, балки ахборот технология, яъни интернет саҳифасидан фойдаланилди. Интернет саҳифаси талаба ва ўқитувчилар учун мўлжалланган

бўлиб, “Чизмачилик” фанини қамраб олувчи сайт яратилди. Бу сайтда талабалар томонидан мустақил топшириқларни бажариш, тестлардан фойдаланиш, видеодарсларни ўрганиш, назарий маълумлотларни ўқиш ва график чизмаларни бажариш босқичларини ўрганиш самарали амалга оширилди.

Тажриба-синов ишлари давомида графикавий дастур (AutoCAD)дан ва ахборот технология (chizmachilik.uz сайтида)дан фойдаланиб, тадқиқот олиб борилди. Шунда талабаларнинг билим олиш даражасини назорат қилиш, талабалар билимини текшириш учун эълон қилинган танловлар, чизмачилик фанидан тестлар, мустақил графикавий топшириқларнинг натижалари тадқиқот олиб бориш натижасида ижобий бўлди.

“Чизмачилик” фанидан олинган ёзма иш натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, Олий ўқув юртларида компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиб ўқитиш, бошқа ўқитиш усулларида устундир.

Олинган натижаларни математик-статистик методлардан фойдаланган ҳолда қайта таҳлил қилиш, тажриба ҳамда назорат гуруҳи тажриба-синовида иштирок этган талабаларнинг тажриба сўнггидаги қийматлари орасидаги фарқни кўрсатиш орқали тадқиқот самарадорлиги аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг якунловчи босқичида тажриба гуруҳи кўрсаткичлари назорат гуруҳи билан, 1-жадвалда кўрсатилганидек, қиёсланди. Жадвалда кўрсатилганидек қиёсий таҳлил якуний босқичда тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан анча юқори натижа берганлигини кузатиш мумкин.

